

Вараънинг фазли | Тазкия дарслари (359-дарс)



19:00 / 27.12.2025 676

Ҳозирги кунда эса юрак танани тирик ва соғ ҳолда тутиб турадиган аъзо сифатида билинади. Юрак ишлаб турса, жисмда ҳаёт бўлади, юрак соғлом бўлса, жисм ҳам соғлом бўлади, у хаста бўлса, жисм ҳам хаста бўлади, деб билинади.

Аслида эса ҳадисдан ушбу икки тушунчанинг умумлаштирилган маъноси тушунилиши керак.

Илмий равишда собит бўлишига қараганда, Ислом шариатида ҳаром қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинар экан. Чунки Ислом зарарли нарсаларни ҳаром қилган. Маълумки, таом танада қонга айланади. Юрак эса қон ҳайдайдиган аъзодир. Зарарли

нарсалардан пайдо бўлган зарарли қон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса илмий ҳақиқатдир. Юрак хаста бўлгандан кейин эса ҳадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг ҳаммаси бузуқ бўлади.

Худди шу ҳолат ботиний қалбга нисбатан ҳам ҳосил бўлади. Ўғрилик, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, босқинчилик каби ҳаром йўллар билан ўзига молу мулк топган одамлар гуноҳкори азим бўладилар. Мазкур гуноҳлар уларнинг ботиний қалбларини хаста қилади. Ҳаромхўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бориб-бориб маънавий ўлимга айланади.

Шунинг учун ҳам қалб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир, дейилади. Подшоҳдан яхши амр чиқса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чиқса, жисмнинг бошқа аъзоларига ҳам яхши бўлади.

Ҳар доим бўлганидек, ҳозирда ҳам ушбу буюк ҳадиси шарифни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз.

Ҳалол нима эканини билиб олиб, доимо ҳалолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Ҳаром нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим.

Шубҳали нарсалардан узоқда бўлиш ниҳоятда зарур. Уламолардан сўраб-суриштириб, ҳалоллиги аниқ бўлган нарсаларнигина ўзимизга раво кўришимиз керак.

Агар уламолар шубҳали нарсаларнинг ҳалоллигига фатво бермасалар, унга мутлақо яқин йўламаслигимиз лозим.

Хосларнинг вараъ сифати:

Қалбни кир қиладиган, ташвишга ва хижолатга соладиган нарсаларни тарк қилиш.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَصَّه لَل لَوُسَّرُ تَلَّ أَسَ: لَأَقِي رَاصُّنَ أَلْ نَاعُ مَسْرَبَسَ اَوَّوْنَ لَأَ نَع
نَ أَتَوْرَكَ وَكَرَدَصَ يَفَكَ أَحَامُ مَثَلْ أَوَّوْ قُلْ خَلُّنْ سَحُّ رَبِّ لَأَ: لَأَقَفْ مَثَلْ أَوَّوْ رَبِّ لَأَ نَع
يَذُمَّرَّتْ لَأَوُّ مَلَسُ مَلَأَ هَ أَوَّرَ. «سَأَنَّ لَأَ هِيَ لَعْلَطِي

Наввос ибн Самъон Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрадим. Шунда у зот:

«Яхшилик ҳусни хулқдир. Ёмонлик кўксингда тўқилган ва одамлар уни билиб қолишини ёқтирмаган нарсангдир», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Суфён Саврий айтади: «Вараъдан осон нарсани кўрмадим. Кўксингда тўқилган нарсани тарк эт».

Хосларнинг хосининг вараъ сифати:

Аллоҳ таолодан бошқага боғланишдан бош тортиш. Аллоҳдан бошқадан тамаъ қилиш эшигини ёпиш. Барча ҳимматни Аллоҳ таолога қаратиш.

Бу орифларнинг вараъ сифатидир. Улар Аллоҳ таолодан машғул қиладиган ҳар бир нарсани нолайиқ деб биладилар.

Вараънинг фазли

Ўтган гаплардан вараъ камолот сифатларини ўзида жамловчи мақом экани кўриниб турибди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи Маккага бориб, Масжидул Ҳаромга кирибди. Қараса, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг авлодларидан бири Каъбага елкасини суяб олиб, одамларга ваъз қилаётган экан. Ҳасан унинг олдида тўхтаб:

«Диннинг асоси нима?» деди.

«Вараъ», деди.

«Диннинг офати нима?» деди.

«Тама», деди.

Ҳасан қойил қолди. Бас, у:

«Бир зарра мисқолича вараъ минг мисқол намоз ва рўзадан афзалдир», деди».

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий айтади: «Банданинг фаҳмига унинг илмининг кўплиги ва вирдида бардавомлиги далолат қилмайди. Аммо унинг нурига ва фаҳмига Робби ила беҳожат бўлиши, қалби ила У Зотга берилиши, тамага қулликдан озодлиги ва вараъ зийнати ила зийнатлангани далолат қилади».

أَبَايَ: «مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ لُؤْسِ رَلِاقٍ: لَأَقُ عُهُ لَلِ يَضَرَّ عَرِيْرُهُ يَبْأَنَعُ
عُهُ أَمُّ نُبَاهَا وَر. «سَانَلِدْبُعُ أَنْ كَتَّ أَعْرُو نَكَّ، عَرِيْرُهُ»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Абу Хурайра, вараъли бўл, одамларнинг энг ибодатлиси бўласан», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

هَيَفٌ نُنُكٌ نَمُ ثَالِثٌ: «مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ لُؤْسِ رَلِاقٍ: لَأَقُ سَنَأَنَعُ
نَعُهُ هُجَحِي عُرُو سَانَلِ يَفِ وَبُ شِيْعِي قُلُخُ: نَامِي لَمُ كَتَّ سَاوُ، بَاوُ ثَلِابَجُ وَتَسَا
رَارَبُ لَاهَا وَر. «لَاهَجُ لَلِ لَعْرُوبُ دُرِيْ مُلْحَوْ لَلِ مِرَا حَمُ»

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Уч нарса кимда бўлса, савоби вожиб ва иймони комил бўлади:
одамлар ичида яшайдиган хулқи, уни Аллоҳ ҳаром қилган
нарсалардан тўсиб турадиган вараъ сифати, жоҳилнинг жаҳлини
қайтарадиган ҳилми», дедилар».**

Баззор ривоят қилган.

طَوْقُ سَمِ عَرْمَتِ بَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ لُؤْسِ رَلِاقٍ: لَأَقُ عُهُ لَلِ يَضَرَّ سَنَأَنَعُ
يِرَاخُ بُلَاهَا وَر. «أَهُتْ لَكَّ أَلِ عَقَدَصُ نَمُ نُو كَتَّ نَأُ أَلِ وُلُ»: لَأَقُ فِ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам йўлдан бир дона хурмо
топиб олдилар ва: «Агар садақа бўлишидан қўрқмаганимда, албатта
буни ер эдим», дедилар».**

Имом Бухорий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Туялар сотиб олдим. Уларни қўриқхонага ҳайдаб бордим. Улар
семирганидан кейин бозорга олиб келдим. Умар розияллоху анху бозорга
кириб, семиз туяларни кўрди ва:

«Булар кимники?» деди.

«Абдуллоҳ ибн Умарники», дейилди.

«Эй Абдуллоҳ! Бай-бай! Мўминларнинг амирининг ўғли! Булар қандай туялар?!» деди.

«Озғин туялар эди. Сотиб олиб, қўриқхонага юбордим. Муслмонлар қилган ишни қилдим», дедим.

«Мўминларнинг амирининг ўғлининг туясини боқинглар! Мўминларнинг амирининг ўғлининг туясини суғоринглар! Ҳой Абдуллоҳ ибн Умар! Сармоянгни олгин-да, фойдани муслмонларнинг байтулмолига топшир!» деди».

Вараънинг фойдаларидан:

1. Вараъ иймоннинг энг олий мартабаларидандир.
2. Вараъ эҳсоннинг энг афзал даражаларидандир.
3. Вараъ мўминни хотиржам қилади.
4. Вараъ мўминнинг қалбига роҳат бағишлайди.
5. Вараъ бор жамият пок ва солиҳ бўлади.
6. Вараъни Аллоҳ таоло яхши кўради.
7. Вараъни халқ яхши кўради.
8. Вараъ эгасининг дуоси қабулдир.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.